

# КЕЙС-СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

## **Режа:**

1. Кейс-стадининг аҳамияти ва моҳияти.
2. Кейслар типологияси.
3. Кейс-стадининг услубий паспорти

## **Таянч тушунчалар:**

кейс, стади, тавсифнома, типология,  
процессуал тизим, услубий паспорт,  
анноатция, вазият, услубий кўрсатма

**“Кейс-стади” технологияси**  
(инглиз тилида “case” – тўплам,  
чемодан (чамадон), “study” –  
муаммоли вазият; вазиятли таҳлил  
ёки муаммоли вазиятларни таҳлил  
қилиш)

“Кейс-стади” технологияси талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У талабаларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади



## **Технологиянинг асосий элементлари:**

таълим, бошқариш, муаммони ҳал қилиш, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш, илмий таҳлил, шунингдек, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги таълимий алоқанинг шакл, метод, воситалари ҳамда ўқув натижалари саналади

“Кейс-стади” методи дастлаб 1870 йилда Гарвард университетининг ҳуқуқ мактаби (АҚШ)да, 1924 йилда эса Гарвард бизнес мактабида қўлланилган. Ҳозирда ушбу метод хорижий мамлакатларда иқтисодиёт ва бизнес йўналишларида кенг қўлланилади. Россияда эса у ўтган асрнинг 80-йилларида дастлаб МДУда, кейинчалик эса бошқа мамлакатларнинг таълим тизимида ҳам фаол қўлланила бошлаган

Кейс-стадининг икки классик мактаби: 1)

Гарвард (Америкада);

2) Манчестер (Европада)

мактаблари мавжуд.

Хорижий таълимида кейсларни қўллашга

нисбатан шундай ёндашув мавжуд:

**кейс** – бу реал ҳаётнинг

“бир парчасидир” (ингл. “True life”)



Чет эллардаги бизнес-мактабларда одатий вазиятларни ўрганишга ўқув вақтининг ўртача 25 %дан 90 %гача бўлган қисми ажратилади. Масалан, Чикаго университети бизнес-мактабида ўқув вақтининг 25 % кейслар улушига, Колумбия университетида – 30 %, Уортонда эса – 40 % тўғри келади. Машғулотларни ушбу услуб бўйича ўтказишга ажратиладиган соатлар сони бўйича Гарвард етакчилик қилади. Оддий талаба таълим даврида 700 тагача кейсларни кўриб чиқади ва бунинг учун ўқув вақтининг 90 %гача қисмини сарфлайди

## **Методнинг имконияти:**

- талабаларда предметни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни, амалий кўникмаларни, вазиятни таҳлил қилиш ва тўғри қарор қабул қилишга нисбатан ижодий ёндашиш малакаларини ривожлантиради;
- турли муаммоли вазиятлар ва уларни ҳал қилиш асосида билимларни фаол ўзлаштиришлари учун имконият яратади

# Кейслар типологияси

<b>Белгилари</b>	<b>Кейс тури</b>
<b>Манбаи</b>	<b>1. Табиий шароитдаги 2. Кабинетдаги 3. Илмий-тадқиқотчилик</b>
<b>Сюжетнинг мавжудлиги</b>	<b>1. Сюжетли    2. Сюжетсиз</b>
<b>Вазият баёнининг даврий изчиллиги</b>	<b>1. Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс 2. Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира 3. Прогностик кейс</b>
<b>Кейснинг объекти</b>	<b>1. Шахсий    2. Ташкилий-институционал 3. Кўп субъектли</b>
<b>Материални тақдим этиш усули</b>	<b>1. Ҳикоя. 2. Эссе. 3. Таҳлилий ёзишма 4. Журналист суриштируви. 5. Ҳисобот. 6. Очерк 7. Далиллар мажмуи 8. Статистик материаллар мажмуи 9. Ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи</b>

# Кейслар типологияси

<b>Ҳажми</b>	<b>1. Қисқа (лўнда). 2. Ўртача миқдордаги 3. Катта (узун)</b>
<b>Тузилмавий ўзига хос хусусиятлари</b>	<b>1. Тузилмага келтирилган 2. Тузилмага келтирилмаган</b>
<b>Ўқув топшириғини тақдим этиш усули</b>	<b>1. Саволли кейслар. 2. Топшириқли кейслар</b>
<b>Дидактик мақсади</b>	<b>1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳловчи кейслар 2. Тренингли (ўқув мавзуси/предмети бўйича малака ва кўникмаларни ҳосил қилувчи) кейслар 3. Таҳлилий ва баҳолашга ўргатувчи кейслар 4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарув қарорларини қабул қилишга ўргатувчи кейслар 5. Вазиятни ривожлантиувчи янги стратегия, йўл, янгича баҳолаш усуллари ва бошқаларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи кейслар</b>
<b>Расмийлаштириш усули</b>	<b>1. Босма. 2. Электрон. 3. Видео-кейс. 4. Аудио-кейс 5. Мультимедиа-кейс</b>



## **Таълимий характердаги кейсларнинг турлари:**

- талаба фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш имкониятини берувчи кейслар;
- муаммонинг ечими ва қарорларни таҳлил қилишга йўналтирилган кейслар;
- қарор ёки яхлит муаммони ифодаловчи кейслар



# Кейс ёрдамида ҳосил бўладиган кўникма ва малакалар:

1. Таҳлилий кўникма (малака)лар.
2. Амалий кўникма (малака)лар.
3. Ижодий кўникма (малака)лар.
4. Мулоқот кўникма (малака)лар.
5. Ижтимоий кўникма (малака)лар.
6. Ўз-ўзини таҳлил кўникма (малака)лар

# “Кейс-стади”га қўйладиган талаблар:

- мақсад аниқ ифода этилиши;
- маълум даражада мураккаб бўлиши;
- ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёт ва педагогиканинг бир неча жиҳатларини ёрита олиши;
- самарали бўлиши;
- миллий хусусиятларни ўзида намоён эта олиши;
- бизнес, маданият, таълим ёки бошқа соҳаларга оид типик вазиятларни ифодалаши;
- бугунги кун кун долзарб бўлиши;
- талабаларда таҳлилий тафаккурни ривожлантириши;
- баҳс-мунозарани ташкил этиш имкониятини яратиши;
- бир неча ечим (қарор)га эга бўлиши

# “Кейс-стади” технологиясининг умумий тузилмаси



# Кейс (муаммоли вазият) ечимининг таркибий тузилмаси

1. Педагогик аннотация.
2. Кириш.
3. Кейс (муаммо)нинг баёни.
4. Услубий кўрсатмалар
5. Кейс (муаммо)ни ечиш юзасидан  
топшириқ



# ТАҚДИМ ЭТИЛАЁТГАН КЕЙС БЎЙИЧА ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ (таркибий тузилмаси)

1. Ўқув предмети:
2. Мавзу:
3. Кейснинг аҳамияти (долзарблиги, мақсади, ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар):
4. Кейснинг муваффақиятини таъминловчи билим ва кўникмалар:
  - 4.1. Талаба билиши керак:
  - 4.2. Талаба амалга ошириши керак:
  - 4.3. Талаба эга бўлиши керак:
5. Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:
6. Технологик хусусиятларга кўра кейснинг тавсифномаси:



Агар кейс **саволли-кейс** бўлса, у ҳолда “Кириш”да муаммо ёки муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечишга оид **бир неча саволлар** келтирилади.

### **Масалан:**

1. Ёшларнинг “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолишларининг асосий сабаби уларнинг маънавий-ахлоқий онг ва эътиқодга эга эмасликлари. Сизнингча, бу фикр қанчалик тўғри?
2. ОАВнинг салбий роли ёшларни “оммавий маданият” таъсирига берилишига сабаб бўлмоқда. Бу фикр тўғрими?

Агар кейс топшириқли-кейс бўлса,  
у ҳолда “Кириш”да кейсни ечиш  
жараёнида бажарилиши зарур  
бўлган топшириқлар берилади.

### **Масалан:**

1. Ёшларни “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш омилларини аниқланг.
2. Ёшларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни самарали шакллантириш йўллари бeлгиланг

## **Кейсни ечиш юзасидан услубий кўрсатмалар:**

1. Кейс (муаммо) билан танишинг.
2. Муаммонинг долзарблигини баҳоланг.
3. Муаммонинг долзарблигини далиллар ёрдамида  
ИЗОҲЛАНГ.
4. Кейс (муаммо)ни самарали ечиш йўлларини  
аниқланг.
5. Кейс (муаммо)нинг самарали ечимини  
белгиловчи метод ва технологияларни танланг.
6. Кейс (муаммо)нинг самарали ечимини  
кафолатловчи фараз (илмий фараз)ларни  
шаклантиринг

# Кейс (муаммо)ни ечишга оид модули йўриқнома

<p>Муаммонинг долзарблигини асословчи далиллар</p>	<p>Муаммони келтириб чиқарган сабаблар</p>	<p>Муаммонинг ижобий ечимини таъминловчи шарт-шароит (омил, метод, восита)</p>



**Кейс (муаммо)ни ҳал этиш  
технологиясининг  
таркибий элементлари:**

1. Тадқиқотнинг технологик паспорти.
2. Тадқиқотнинг технологик харитаси



# Тадқиқотнинг технологик паспорти

Кейс (муаммо) мавзуси	
Кейсга ажратилган вақт	
Тадқиқот шакли ва тури	
Тадқиқот босқичлари	
Кейснинг мақсади:	
Илмий педагогик вазифалар:	
Илмий-тадқиқот методлари	
Илмий-тадқиқот шакли	
Воситалар	
Тадқиқот амалга оширилган шароит (ёки вазият)	
Тадқиқот натижалари:	
Назорат ва баҳолаш шакли	

# Тадқиқотнинг технологик харитаси

Босқичлар ва вақти	Фаолият мазмуни
<p>1-босқич. Ташкилий-тайёргарлик босқичи. Мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, ахборотларни йиғиш, уларни қайта ишлаш асосида кейс (муаммо) танланади; кейснинг мақсади, вазифалари ва илмий фарази белгиланди</p>	
<p>2-босқич. Тажриба босқичи. Мавжуд ҳолати ўрганилиб, тўпланган материаллар асосида дидактик ишланмалар тайёрланади</p>	
<p>3-босқич. Таҳлил босқичи. Кейс (муаммо)нинг ечими (натижалар) юзасидан тақдимот ва ҳимоя ташкил этилади</p>	

# Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

<b>Муаммони тасдиқловчи далиллар</b>	<b>Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари</b>	<b>Кейсологнинг ечими</b>	<b>Гуруҳ ечими</b>

Кейс буйича топширик бажарилгач,  
талабалар тақдимот (у оғзаки ёки  
кўрғазмали (визуал) шаклда бўлиши  
мумкин) ва ҳисобот тайёрлайди



# Тақдимотга тайёргарлик кўришда қуйидагига эътибор қаратилиши зарур:

- тақдимотнинг жиҳозлари ва вақти;
- тақдимотнинг таркибий тузилмаси;
- тақдим этилиш даражаси;
- визуал воситалар;
- репетиция;
- чиқишни режалаштириш;
- эркин чиқиш қилиш



# Аудиториядан ташқарида бажариладиган иш учун баҳолаш мезон ва кўрсаткичлари

Талабалар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниқланган. Макс. 6 б	Муаммоли ва- зиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган. Макс. 4 б	Вазиятдан чиқишга оид ҳаракатлар аниқ Кўрсатилган. Макс. 10 б	Жами. Макс. 20 б

# Аудиторияда бажариладиган иш учун баҳолаш мезон ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар рўйхати	Гуруҳ фаол. Макс. 1 б	Маълумотлар кўрғазмали тақдим этилган. Макс.4 б	Жавоблар тўла ва аниқ берилган. Макс.5 б	Жами Макс.10 б
1.				
2.				
3.				

Эътиборингиз учун раҳмат!

# **Балл кўрсаткичлари асосида кейс ечимини баҳолаш кўрсаткичлари**

- 8-10 балл – аъло
- 6- 8 балл – яхши
- 4- 6 балл – қониқарли
- 0 -4 балл – қониқарсиз